

РАҲМАТ, ОЛИҲИММАТ ПАХТАКОР!

Областимиз пахтакорлари оширилган социалистик
мажбуриятни ҳам шараф билан бажардилар

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 30 (3202). | Чоршанба, 24 ноябрь 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

УЛКАН ХИРМОҢГА ҚИМ ҚАНЧА ҲИССА ҚУШДИ

Оқдўғон райони—69 минг 918 тонна, Бўна райони—67 минг 281 тонна, Ўрта Чирчиқ райони—57 минг 974 тонна, Янгийул райони—54 минг 532 тонна, Бекобод райони—43 минг 303 тонна, Юқори Чирчиқ райони—19 минг 610 тонна, Оржоникидзе райони—19 минг 415 тонна, Калинин райони—18 минг 96 тонна.

КПСС XXIII СЪЕЗДИГА МУНОСИБ СОВҒА

Тошкент областининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партиянинг XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, КПСС XXIII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XVII съездини муносиб қутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, 23 ноябрда давлатга пахта сотиш юзасидан ўз зиммаларига олган оширилган социалистик мажбуриятни бажардилар.

Она-Ватанга 350,1 минг тонна Тошкент пахтаси етказиб берилди. Бу йиллик планда белгиланганига нисбатан 40 минг тонна кўп демаскир.

Бу йил областнинг азамат механизаторлари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Улар пахта териш машиналари билан ялпи ҳосилининг 152 минг 418 тоннасини териб бердилар. Областида машина терими плани 112,9 процент қилиб бажарилди.

Шунингдек, областимиз давлатга сабзавот, полиз экинлари маҳсулотлари, мева, узум, шол, жун сотиш йиллик планларини ҳам бажарди.

Қишлоқ меҳнаткашлари давлатга гўшт, сут, қаноп, пояси ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш юзасидан берилган йиллик планларини ҳам яқин кунлар ичида тўла бажариш учун барча чора-тадбирларни кўрмоқдалар.

Шу кунларда областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари пахтанинг бирор граммини ҳам қолдирмай тезроқ йиғиб-териб олиш, кузги шудгорни қисқа муддат ичида тугаллаш ва келгуси йил ҳосилига пухта замин яратиш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларни ҳам тўла амалга ошириш, шунингдек қорва қишлоқини намунали ўтказиш учун меҳнат активлигини оширмоқдалар.

КОЛХОЗ ЗАФАРИ

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми қарорларини оғишмай амалга ошираётган Калинин районидаги Ленин номида колхознинг миришкор деҳқонлари етти йилликнинг якуновчи йили топириқларини яхшироқ янгиламоқдалар. Улар ҳозиргача давлатга 2420 тонна сабзавот, 430 тонна полиз, 41,5 тонна мева, 52,7 тонна узум ва мўл-қўл картошка етказиб бердилар.

Ана шундай зафарга эришган колхоз азаматлари кунининча яна бир ютуқни қўлга киритдилар: қорвадорлар давлатга сут, гўшт, тукум, жун сотиш йиллик планларини оғишмай бажардилар. 210 тонна ўрнига 226 тонна сарқаймоқ сут соғиб олиниб, давлатга сотилди.

Шунингдек, сут-товар фермасининг қорвадорлари давлатга 17,4 тонна гўшт, 3200 килограмм жун, 46 минг дона тукум етказиб берди.

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

Областимиз пахтаси 350 минг тоннага етган кунини област партия комитети ва област ижроия комитети бизга қўйма Қизил байроқ бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Қувончимизга қувонч қўшилди.

Ҳақиқатан ҳам совхозимизнинг фидокор ишчилари қаҳрамонона меҳнат қилдилар. Бу кутуқ ўз-ўзидан қўлга киритилмади. Биз ҳар йилгидек бу йил ҳам ишчи-фан ютуқлари асосида ташкил этдик. Хар йилгидек бу йил ҳам механизацияга зўр берилди. Совхозимиз бўйича 90 та механизацияланган звенолар тузилган. Бу звенолар ер ҳайдашни ҳам, чигит экишни ҳам, гўзани парвариш қилиш ва пахта теришни ташкил этишни ҳам ўрнига қўйдилар.

Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти ҳосилдорлигини ошириш, етиштирилган ҳосилни ўз вақтида нобуд қилмай териб олишга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширди. Энг муҳими шунки, биз, моддий маънавийлик принциплари катъий амал қилдик. Хар бир механизатор, зveno бошлиғи билан шартномалар тузилган. Бу шартномада звенонга бериладиган афзалликлар, совхоз дирекцияси кўрсатдиган

ердам, пландан ташқари топирилган пахтадан келадиган даромадлар аниқ ҳисоб-китоб қилиб қўйилган. Шунинг учун ҳам механизатор — зveno бошлиқлари ишни бошидан пухта қилишга, мўл ҳосил етиштириб, катта даромад олиш учун астойдил бел боғладилар.

Йилнинг тўртинчи ойида илгорларин рағбатлантиришга алоҳида эътибор бердик. Масалан, илгор — механик-ҳайдовчиларга қўйма вымпель ва унга қўшиб 15 сўм пул бериш йўлга қўйилди.

Совхоз дирекцияси ва партия комитети терим машиналарига техника хизмати кўрсатишни яхши йўлга қўйиш учун зарур чораларни кўрди. Устахонанинг энг яхши хизматчиларидан иборат бригада далада бўлиб, керакли ердам кўрсатиб турди. Бу ҳол даладаги 160 дан ортиқ терим машиналарининг нормал ишлаб, графикадаги пахтанинг терилишини таъминлади.


Механизацияга суяниб иш тутган илгор звенолар кутилган ҳам яхши натижага эришдилар. Э. Жабоиров, В. Зибеддинов, Ю. Сейдахали каби ўртоқлар бошлиқ коллектив механизацияланган звенолар мажбуриятини ҳам ошириб бажардилар.

Шундай қилиб, илгор тақриба ва янгилик ҳар йилгидек галаба қозонди.

Ҳозирги кунда ана шу эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш учун кураш кетмоқда. Барча бригада ва звеноларда шудгорлаш ишлари қизитиб юборилган. Механизаторларимиз ерин чуқур шудгор қилиб, келгуси йил мўл ҳосилга мустаҳкам замин ҳозирлаш учун курашмоқдалар ва ана шу мақсадда бир-бирлари билан мусобақалашиб ишлаб, кун сайин яхши натижаларга эришмоқдалар.

З. МАХСУМОВ,
«Ўзбекистон ССР беш йилгидек совхозининг директори»

В. И. ПАК,
совхоз партия комитетининг секретари.



СССР КИНЕМАТОГРАФИЧЛАРИНИНГ БИРИНЧИ СЪЕЗДИ

МОСКВА, 23 ноябрь. (ТАСС). Бугун Катта Кремль саройида СССР кинематографчилари союзининг биринчи таъсис съезди очилди. Кино санъатининг бу улкан анжуманида олти юздан ортиқ делегатлар ва кўп меҳмонлар иштирок этмоқда.

Рус ва совет кинематографияси соҳасида қарийб эллик йил ишлаган энг кекса кино ходимларидан бири, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби профессор Л. В. Кулешов кириш сўзи билан съездни очди.

Делегатлар ва меҳмонлар КПСС Марказий Комитети Президиумининг янгилик билан съездининг фахрий президиумига сайландилар. Делегатлар ва меҳмонлар съезд мажлисига келган Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Н. В. Подгорный, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Ю. В. Андропов ўртоқлари самимий қутиб олдилар.

Тўрт кун давом этадиган съезд кун тартибига қуйидаги масалалар бор: СССР кинематография ходимлари союзи ташкилот комитетининг раиси Л. А. Кулиджановнинг «Коммунистик қурилиш ва совет кинематографиясининг вазифалари» деган темадаги доклад; ташкилот комитети раисининг ўринбосари А. В. Карагановнинг СССР кинематографиячилари Союзининг уставини тўғрисидаги доклад; союзнинг раҳбар органларига сайловлар.

КПСС Марказий Комитетининг съездага табриномасини делегатлар ва меҳмонлар давомли гулдўрос қарсақлар билан қутиб олдилар. Табриномани ўртоқ П. Н. Демичев ўқиб берди.

Шундан кейин Л. А. Кулиджанов доклад қилди.

новнинг «Коммунистик қурилиш ва совет кинематографиясининг вазифалари» деган темадаги доклад; ташкилот комитети раисининг ўринбосари А. В. Карагановнинг СССР кинематографиячилари Союзининг уставини тўғрисидаги доклад; союзнинг раҳбар органларига сайловлар.

КПСС Марказий Комитетининг съездага табриномасини делегатлар ва меҳмонлар давомли гулдўрос қарсақлар билан қутиб олдилар. Табриномани ўртоқ П. Н. Демичев ўқиб берди.

Шундан кейин Л. А. Кулиджанов доклад қилди.

СССР КИНЕМАТОГРАФИЧЛАРИ I СЪЕЗДИГА

Қадрли ўртоқлар! Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети СССР кинематографчилари биринчи съездининг делегатларини ва сизлар орқали халқимизнинг маънавий ҳаётида жуда катта роль ўйнаётган кўп миллатли совет кино санъатининг барча арбобларини самимий табриқлайди ҳамда съезднинг ишларига катта муваффақиятлар тилайди.

Коммунистик партия ва унинг асосчиси В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг биринчи йилларидаёқ меҳнаткашларни маърифатли қилиш, тарбиялаш ва уларнинг коммунистик дунёқарашини шакллантиришнинг қудратли воситаси бўлган кинематографияга давлат нуқтан назаридан катта аҳамият бердилар. Социалистик реализм санъати, маъмуни ва формаси жиҳатидан новатор санъат бўлган совет кино санъати шонли тарихий йўл босиб ўтди, аjoyиб традицияларни вужудга келтирди ва бутун халқнинг муҳаббатига ҳамда жаҳоннинг тақдирлашига сазовор бўлди.

Кино санъатимиз тарқиқатининг ҳозирги босқичида совет жаҳонининг ҳаётини экранда акс эттиришда янги муваффақиятлар қўлга киритилди, темаси, жанри ва бадиий маҳорати турли-туман бўлган киноасарлар яратилди. Совет киноси арбоблари совет кинематография мактабининг энг бой бадиий тажрибасидан ижодий тарзда фойдаланиб, кўп миллатли социалистик маданиятни барпо этишда актив қатнашмоқдалар.

Совет кинематографчиларининг биринчи съезди партияимиз ва халқимиз КПССнинг XXIII съездида тайёргарлик кўраётган шонли бир пайтда тўпланди. Совет маданияти арбоблари ана шу тайёргарликда актив қатнашмоқдалар.

Тарих совет санъати ходимлари зиммасига, шу жумладан кинематографчилар зиммасига катта жавобгарлик юкляди. Бизнинг санъаткорларимиз замонамизнинг катта ва ўткир проблемаларини кўтариб, жаҳон тарқиқатининг истиқболларини равшан қўриб билишлари ва ўзларининг илҳомбахш ижодлари билан коммунизм йўлидаги улғу курашда фаол иштирок қилишлари лозим.

Улар социализмининг қудратли яратувчилари кучини, жаҳонда бўлаётган буюк революцион ўзгаришларни ҳаққоний равишда очик-равшан тасвирлаб беришлари керак.

Ўз асарлари билан меҳнаткашлар сиёсий активлиги ва меҳнат гайратини доим ўстиришга ердам бериш, совет кишилари меҳнат қаҳрамонлигининг улғуворлиги ва гўзаллигини қарор топтириш, янги ҳаёт курашчиси ва бинокори бўлган совет кишининг образини ҳар томонлама еркин акс эттириш, олға қараб қилаётган ҳаракатимизга ҳалақит берувчи ҳамма нарсасга қарши тинмай кураш олиб бориш — кино ходимларининг биринчи вазифаси бўлиши керак.

Ленинча партиявийлик ва халқчиллик руҳи билан сугорилган бизнинг кино санъатимиз сабот-матонатли ва эътиқодли курашчилари — коммунизм қурувчиларини, юксак маданият ва ахлоқ кишиларини тарбиялаб етиштириши керак.

Совет кино санъати усталари кўп миллий аудиторияга хизмат қилдилар. Шу сабабли, кино ходимлари янги йилдаги тўғриват пухта иш қўйишлари, ижодий фикрининг равшан бўлишига эришишлари, ўз меҳнатига зўр талабчанлик билан қарашлари лозим. Асарларининг гоёвий-бадиий жиҳатдан юксак даражада ва кенг халқ оmmasида манзур бўлиши тўғрисида доим ғамхўрлик қилиш керак.

Болалар ва ёшларга бағишланган ҳамда ўринбосарларимизни партияга, ватанга, коммунизмга чексиз садоқат намуналарига тарбияладиган фильмлар, айниқса, катта аҳамиятга эгадир.

Партия кино усталари қаҳрамонлик — ватанпарварлик темасида янги асарларини, халқлар дўстлиги ва пролетар интернациона-

лизмининг мустаҳкамлашга, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун курашда барча мамлакатларнинг меҳнаткашларини бирлаштириш ҳамда янгилаштиришга ердам берадиган фильмларни яратадилар, деб умид қилади.

Совет кинематографчилари энг муҳим ва энг актуал проблемаларни ҳал этиб, турмуш ҳодисаларига назар солган ва турмушда актив қатнашадиган ҳолда, улар тўғрисида марксизм-ленинизм позицияларида туриб фикр юритишлари лозим. Бу — социалистик кино санъати истеъдодли мастерларининг ижодий талабаларига ердам берувчи зарур шартдир. Синфий — пролетар позицияларида маҳкам турган ва меҳнаткаш инсониятнинг идеалларига содиқ бўлган санъаткорларимиз революцион инсонпарварлигининг гўзаллиги ва улғу маъносини ифода эта оладилар.

КПСС Марказий Комитети шунини қайд қилдики, совет кино санъати шубҳасиз катта муваффақиятларга эришган бўлса ҳам, унинг имкониятларидан тўла фойдаланилмаётган. Гоёвий ва бадиий жиҳатдан кўнглидагидек бўлмаган, юксак талабларга ва янги кишини — коммунизм қурувчиларини тарбиялаш ҳамда камолатга етказиш соҳасидаги вазифалар

римизга жавоб бермайдиган фильмлар ҳали ҳам пайдо бўлмоқда.

Партия кинематографияни ҳар томонлама ривожлантириш ва истеъдодли санъаткорларини рағбатлантириш тўғрисида, санъат арбобларининг гоёвий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ва уларнинг ижодий ўсиши тўғрисида бундан буюн ғамхўрлик қила беради.

КПСС Марказий Комитети ишонч билдириб атайдики, СССР кинематографчиларининг биринчи съезди мақсадларини бажаришга кўп ходимларининг ҳаётида совет кино санъатини ривожлантиришга муҳим босқич бўлади. Совет кино санъати олдига мураккаб гоёвий-ижодий проблемалар ва масалаларни вазифалар туртибди. Кинематографчилар союзи сценарийчиларининг, режиссёрлар, актёрлар, операторлар, раҳбарлар, композиторлар, кино таъқиқчиларининг, кинематография миздаги барча ходимларининг куч-гайратини бирлаштириб, уларни коллективнинг аҳдиди билан қиладиган ишига жалб этган ҳолда, давлат кинематография органлари билан биргаликда совет кино санъати тараққиётида янада юксак босқичга эришишнинг таъминлайдиган ижодий муваффақиятларни қўлга кирита олади ва кўлга киритиш лозим.

КПСС Марказий Комитети совет киноси барча ходимларининг катта ижодий муваффақиятларга эришувларини астойдил тилайди. Халқ севган совет кино санъати бундан буюн ҳам ривожланиб, гуллаб-яшнаб бериши!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

